

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ
ТИҚИШИ

№ 145 (4831).

14

ИЮНЬ

ПАЙШАНБА



1973 йил

Баҳоси 2 тийин.

ҒАЛЛАКОР УРТОҚЛАР:

- ◆ УКРАИНА КОМБАЙНЧИЛАРИ ТАШАББУСИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЕИСИН.
- ◆ ҒАЛЛА УРИМ-ЙИГИМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ УТҚАЗИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ ҚУЧАЙТИРАЙЛИК.
- ◆ НОБУДГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚУЙМАЙЛИК.
- ◆ ИЛГОР КОМБАЙНЧИЛАР ВА ШОФЕРЛАР ТАЖРИБАСИНИ КЕНГ ОММАЛАШТИРИБ, УРИМНИ 10—15 КҮН ИЧИДА ТУГАЛЛАШГА ЭРИШАЙЛИК!

КОМБАЙНЛАР АДирГА ЧИҚДИ



Ризқ-насибамиз ғаллага ўроқ тушди. Олтин бошоқларда кут-барак. Сўлим баҳор-ойлар сайроқи қушлар қувноқ хончилигини эшитиб турган кечаги сокин ғаллазорларда яна агрегатлар ҳайқирғи янграй бошлади. Комбайнлар бункердан автомашиналарга олтиранг бугдой қуюни селдай ёғила бошлади.

Укриналик комбайнчиларнинг қимматли ташаббусига лаббай деб жавоб берган Юқори Чирчиқ районидagi «Коммунист» колхозининг азамат меҳанизаторлари ғалла урим-йигимини зўр уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. Моҳир комбайнчилар Қодир Рихсбоев, Александр Чунинлар районда биринчилар қатори ўз агрегатларини адирга олиб чиқдилар. Украинлик комбайнчи-

ларнинг ватанпарварлик ташаббуси колхозининг ғаллакорларини шижоатли меҳнатга руҳлантириб юборди, — дейди колхоз ғаллачилик бригадасининг бошлиғи Товубой Қуробоев. — Биз ташаббускорлар қақиринга қатъий амал қилиб, барча майдонларимиздаги ғаллани 15 ми кунда нес-нобуд қилмай ўриб-йигиб олишга аҳд қилдик. Бу йил адирларимизда мўл дон

ҳосили етишди. Ана шунинг ҳисобига олиб, 200 гектар майдондан арпа, 80 гектар майдондан пландаги 8 ўришга 10 центнердан, 176 гектар майдондаги бугдойнинг ҳар гектаридан эса 7 центнер ўришга 13 центнердан дон ҳосили йиғиб олишни мўлжаллаяпмиз.

Ғаллазор баҳодирлари — азамат комбайнчиларнинг гайрат-шижоатининг чеки йўқ. Улар ҳосил етиштириш учун охиригача қўлларини қўйиб, 200 гектар майдондан арпа, 80 гектар майдондан пландаги 8 ўришга 10 центнердан, 176 гектар майдондаги бугдойнинг ҳар гектаридан эса 7 центнер ўришга 13 центнердан дон ҳосили йиғиб олишни мўлжаллаяпмиз.

Ғалла уримини билан бир вақтда ҳўжаликда чорва озуқаси жамғариш ва келгуси йил мўл дон ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш ишлари ҳам пешманеш бошланиб кетди.

Х. НОСИРОВ.
СУРАТЛАРДА: колхозда ғалла уримини пайти. Ўнда комбайнчи Қодир Рихсбоев, А. Абалин фотолари.

СУВЧИЛАР МЕХНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК БОШҚАРМАСИ
ВА ОБЛАСТЬ ПАХТАЧИЛИК СОВХОЗЛАРИ
ТРЕСТИНИНГ ТАВСИЯНОМАЛАРИ

Обикор деҳқончилик шароитида пахтадан ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан сувчиларнинг экинларини қондириб-сугориш маҳоратига ва уларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлашга боғлиқдир.

Ҳозир сувчиларнинг меҳнатига қўлда ва от-улов кучи билан ба-жариладиган ишлар тариф сет-сининг VI разряди бўйича ҳақ тўланмоқда. Бу совхозларда бир иш нормаси учун 3 сўм 96 тийинга тўғри келади. Колхозларда эса меҳнат ҳақи ҳўжалиқнинг иқтисодий аҳволига қараб, гарантияланган минимумдан кам бўлмаган ҳолда амалдаги нормативлар асо-сида тўланади.

Бу йил ҳаво ҳарорати кескин ўзгариб турган шароитда сувчилар учун иш нормасини белги-лаш айниқса катта аҳамиятга эгадир. 1-«Пискент» совхозида сувчилар учун қўйиладиган иш нор-малари кўрсатилган: биринчи су-горишда — 0,35 гектар, иккинчи су-горишда 0,60 гектар, учинчи су-горишда 0,65 гектар. Экинларини тунда сугорганда иш нор-маси 20—25 процент кам бел-гиланади.

Ана шу тадбирларни ҳисобга олиб бу совхозда бир гектар ер-даги ғўзани сугориш учун қўйиладиган иш ҳақи тўлаш бел-гиланган: биринчи сугоришда 8 сўм 85 тийин, иккинчи сугориш-да 6 сўм 19 тийин, учинчи су-горишда 5 сўм 17 тийин ва кейин-чи сугоришларда 4 сўм 17 тийин. Шундай қилиб бир гектар ердаги ғўзани сугоришнинг ўртача қим-мати мавсум бўйича 6 сўм 18 ти-йинга тўғри келади.

Пискент районидagi Охунбо-боев номи колхозда ҳам бу йил сувчилар учун иш нормаси ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қайта кўриб чиқилди. Бу колхоз-да бир гектар ерни сугорганлик учун 10 сўм 30 тийиндан меҳнат ҳақи тўлаш белгиланди. Шу би-лан бирга сувчиларнинг ғўзалар-

ни ўз мўддатида қондириб су-горишдан моддий манфаатдорли-ғи ҳам-кўзда тутилади. Ғўзаларини ўз мўддатида сифатли сугорган сувчиларга мавсум давомида бир ярим ойликча қўшимча иш ҳақи тўлаш белгиланади. Бундан таш-қари, улар бригаданинг бошқа аъзолари билан бир қаторда маҳсулот етиштириш ланини ошириб-бажарганлиги учун тўла-надиган қўшимча иш ҳақидан ҳам баварар фойдаланадилар.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўт-тиш кераки, сувчилик жуда шарафли ва ҳурматга сазовор касблардан-дир. Ҳозирги вақтда сувчилар сафини ёшлар ҳисобига тўлдириб туриш керак. Тажрибали сувчи-ларнинг ўртача ёши ҳозир 55—60 йил ташкил қилмоқда. Сугорил-ган ишларнинг механизациялаштириш даражаси пастлиги ҳам бунга са-баб бўлганлиги.

Ғўзаларини сугориш даврида об-ласт колхоз ва совхозлари да-лаларда 15 мингга яқин сувчи иш-лашга керак. Амалда эса улар-нинг соғ 10—12 мингдан ош-майпти. Айниқса ғўза ҳосил ту-габдан даврида об-ласт колхоз ва совхозларида сувчилар сон-и етишмай қолади. Бунинг натижа-сида бир сувчиға тўғри келадиган гектар қўйилиб, сувдан фойдала-ниш коэффициенти пастади. (Ваъ-ди ҳўжаликларда бу даврда сув-дан фойдаланиш коэффициенти 50 процентдан кам бўлади). Бун-дай аҳвол ўтган йилларда Янги-йўл, Бўна, Ўрта Чирчиқ, Пискент ва Чиноз районларининг бир қа-тор ҳўжаликларидида юз берган.

Бу йилги шароитда ғўзаларини сугоришга қўшимча ишчи кучла-рини жалб қилиш ва ҳар бир сувчиға мавсумда 10—12 гектар-дан ер тўғри келишига эришиш зарур.

Област колхоз ва совхозлари-ни сувчи кадрлар билан таъмин-лаш ва ёшларни бу ишга жалб қилиш учун қўйиладиган тадбирларни амалга ошириш керак.

1. Ҳар бир тажрибали сувчиға

бир-икки ёш сувчини бирктиб қўйиш.

2. Сувчилик касбини ўргана-ётган ёшларнинг бир ойлик иш ҳақини 60 сўмдан белгилаш.

3. Ёшларини ўргатаётган тажри-бали сувчиларга колхозларда 10 процентча қўшимча иш ҳақи белгилаш, совхозларда эса битта ёш сувчинини ўргатганлиги учун ойига 7 сўм, икки шоғирдини ўр-гатганлиги учун 5 сўмдан ҳақ тўлаш.

4. Сувчилар учун юқори унум-ли меҳнат қилиш ва маданий дам олиш учун барча шарт шароит-ларни яратиб бериш.

5. Сувчиларга дам олиш уйлари-га ва санаторийларга имтиёзли шартлар билан путевкалар бериш.

6. Ўзига бирктирилган участка-ларда сугоришни сифатли ўтқа-зганлиги ва сувдан унумли фойда-ланганлиги, шунингдек қишлоқ ҳўжалик экинларидан юқори ҳо-сил етиштирганлиги учун сувчи-ларини рағбатлантириш мақсадида уларга автомашина, мотоцикл ва бошқа товарлар акратилиш.

7. Сувчиларга юқори кўрсат-киларга эришганлиги учун қў-шимча равишда моддий рағбат-лантириш мақсадида ҳўжалик им-кониятларини ҳисоблаб чиқиб моддий рағбатлантириш тадбирла-рини белгилаш ва ҳоказо.

Экинларини сугоришдан бошқа вақтларда сувчиларнинг йиллик ўртача иш ҳақи юқори бўлишини таъминлаш мақсадида уларни бошқа ишларга жалб қилиш ло-зим. Бу тадбир сувчиларни бутун йил давомида иш билан таъмин-лашга имкон беради.

Сувчиларини моддий рағбатлан-тириш таъминлашга қаратилган ушбу қўшимча иш ҳақи тўлаш тадбирлари меҳнат унумдорлиги-ни оширишга, экинларини ўз мўд-датида сифатли сугоришга ва туққизинчи беш йилликнинг учин-чи зарбдор йилида барча қишлоқ ҳўжалик экинларидан юқори ҳо-сил олишга катта имкониятлар очиб беради.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ЕМ-ҲАШАК

ҚИБРАЙ, 13 июнь.
(ЎзТАГ). Бу ерда Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистон-нинг сугориладиган ерларида ем-ҳашак базасини мустақкам-лашга бағишланган кенгаш очилди. Бу кенгашнинг В. И. Ленин номи Бутуниттифоқ қишлоқ ҳўжалик Фанлари ака-демияси, шу академиянинг Ўр-та Осиё бўлими, Ўзбекистон ССР қишлоқ ҳўжалик министр-лиги ва Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти уюш-тирди.

Кенгашнинг Ўзбекистон Ко-мпартияси Марказий Комитети-нинг секретари И. Р. Қурбонов очди.

Кенгаш иштирокчилари энг қимматли ер бўлган сугорилади-ган майдонлардан ингенсив фойдаланиш, деҳқончилик ма-данийтини ва ерининг унумдор-лигини ошириш тадбирларини белгилаб чиқдилар. Улар ал-машлаб экинга ажратилган да-лаларда ем-ҳашак экинларини тўғри жойлаштириш йўдаларини белгилаб оладилар.

Кенгашда ерлардан йил бўйи фойдаланишга катта эътибор берилди.

ЎЎЗА ШОНАЛАМОҚДА

БўКА. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Район ҳўжалик-ларида июнь ойининг ҳар бир қуни ва соатидан унумли фойда-ланаётган пахтакорлар ғўза қа-тор ораларига ишлов беришни тезкорлик билан амалга ошир-моқдалар. Ғўзани қондириб, культивациядан сифатли чиқа-риб, қондириб сугоришяпти.

Мўл ҳосил етиштириш учун бошланган мусобақада «Ком-мунизм» колхозининг аъзолари ҳам четда қолмаётгани. Бу ер-даги ҳар бир колхозчи эрта ишга чиқиб кеч қайтади. Берил-ган топшириқни ортиқ қилиб ба-жаришга оидатгани қўлиш-ган. Колхоз раиси Сайдахон Саймаков билан суҳбатлашсан-гиз у мўл ҳосил усагаларнинг ажойиб меҳнатлари ҳақида қў-вониб гапирди. Ҳақиқатан ҳам колхозчилар мажбурият одил-лиги, унинг алоқати устидан чи-камиз, деган шпор остида меҳнат қилишяпти.

Ғани Ғофуров бошлиқ бри-гада аъзоларининг бу соҳадаги ишларини ҳар қанча муктабас арзийди. Бригадада барча иш-

лар ўз вақтида амалга ошири-лаётганлиги сабабли мусобақа-дошлар олдида унумли бўлиб қолишмаётгани. Чигит ўз вақти-да экинлиб, янадан чиқарили-ди. Кейин парварини бошланиб кетди. Экин билан бир вақтда, сўнгра янадан кейин ўнгит бе-рилди. Бу эса ғўзанинг қадди-ни тезда ростлаб олишга яқин-дан қўмаклашди. Бригада аъ-золари кучат тағини доим юз-лаштириб, ўз вақтида сугориб ту-ришди. Ҳозир барча майдонлар-га учинчи марта тўла ишлов берилмоқда. Сугориш ҳам ўсимликнинг талабига мувофиқ олиб бориляпти. Бригада аъзолари июнь ойи ичига ғў-заларини ёлпасига шонлага ки-риштириш учун ҳаракат қилмоқ-далар. Токи Салимов бошлиқ бригаданинг юз гектардан ор-тинч пахта майдонидида қўл-ни карталарда ғўзалар ёлпасига шонлага кирди. Ҳар гектар ер-дан 35 центнердан мажбурият олиб ишлаётган Алтубой Шо-монов бошлиқ бригада аъзола-рининг ғўзалари ҳам бегубор ўсмоқда.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Чиноз районидagi «Москва» колхозини пахтакорлари чигити-ниқса мўддатда сифатли экин-ни бир текис ундириб олдилар. Иш-қоллар бари ўриб ринкомизмон-да. Шу кунларда ҳамма бри-гадада ғўза парварини қиз-ди. Бригадалар ўртасида ўзари социалистик мусобақа ави ол-дириб юборилган.

Колхоз деҳқонлари 760 гек-тар пахта майдонидан 32 ўриш-га 35 центнердан «оқ олтин» олиш учун астойдил меҳнат қи-лишмоқда.

Биз 65 гектар ерининг ҳар гектаридан пландаги 35 ўриш-га 50 центнердан «оқ олтин» хир-мони кўтариш учун курашми-миз, — дейди механизациялаш-ган бригада бошлиғи Ф. Худиев, — ғўза ораларига ўз агре-гати билан 5 марта ишлов-бери-манг, 4 марта «оқинлантириб» марта сув бераман. Мен колхоз-даги барча механизациялашган бригадаларини мусобақага қақир-ганман.

Ф. Худиев бошлиқ бригада-ерларидан ғўзалар жуда ахши-ўсмоқда. Янага 5-майда тугал-ланди. Ғўзаларга учинчи ишлов-бериш бошлаб юборилди.

Шунингдек, илгор пахтакор-лардан механизатор М. Хўлаев 32 ўришга 40 центнердан, П. Оғинбоев 35 ўришга 45 цент-нердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олишган.

И. ЎРИНБОВЕВ.

ЗАРАРКУНДАГА ҚАРШИ

ЎЗБЕКИСТОН деҳқола-рининг беш йилликнинг учинчи йилида маилкада 4 миллион 750 миң тонна пахта етказиб-бериш борасидagi курашига Ўз-бекистон ССР Қишлоқ ҳўжалик министрлиги ўсимликларини хи-мон қилиш бўлими ходимлари ҳам қўшилдилар. Колхозлар ва совхозларнинг ғўза бир те-кис усаётган даладарда ҳозир эитомологларни, химизаторлар-ни, бошқа мутахассисларни уч-ратиш мумкин. Улар экинлар-нинг аҳволини синчилаб тек-шириб чиқмоқдалар, тарқаш-ёки юқин ахтимоли бўлган за-раркундалар ва ўсимликлар касалликларини манбаларини аниқламоқдалар.

Зараркундаларга қарши курашувчи ходимларнинг қўл-да кучли техника воситалари йили мингтага яқин янги юксак сайралар пурагич, чаплагич апаратурлар бор. Бу механизмларнинг «Ташхисес-ман» заводи тайёрлаб беради. Корхона яқинда химизаторлар-га шундай апаратурлардан та-ғин 770 тасини тайёрлаб бер-ди. (ЎзТАГ).

ОҚЎРҒОН. Райондаги «Москва» колхозини даладаридида ғўзага ишлов бериш қизғин давом этти-рилмоқда. Ҳар бир ниҳол меҳр билан парварини қилинапти. Социалистик мусобақани кенг қулоч-ейдирган бригадаларда ғўзалар гуркираб ўсмоқда. Суратда: механизатор Мусалом Тафиев иш-устиди.

А. АБАЛЯН фотоси.

